



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (12.130)

Баҳоси эркин нарҳда

СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ ЕВРОПА МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон мавзуга бағишланган, мамлакатимиз ҳаётининг турли қирралари қамраб олинган материаллар сўнгги вақтларда Европа оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Бетақдор Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ва бой маданий мероси ҳақидаги мақолалар билан бир қаторда, мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, экспорт имконияти ва бошқа соҳалардаги ўзига хосликлар ҳам хориж нашрлари эътиборидан четда қолмаётди.

Масалан, яқинда Австриянинг «Lebens Art» ва «Bio Austria» номли журналлари саҳифаларида республикамизда ишлаб чиқариладиган ҳамда Европада ҳам севиб истеъмол қилинадиган экологик тоза маҳсулотлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар чоп этилди.

«Lebens Art» журналі ижтимоий ҳаёт, энергетика, агросаноат мажмуи, қурилиш соҳалари билан бир қаторда, саломатлик, озик-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш, сайёҳлик, маданият соҳаларидаги замонавий тамойиллар мавзуларини ҳам атрафлича ёритишга иxtисослаштирилган.

Мазкур нашрнинг сўнгги сонларидан бирида эълон қилинган мақолада Самарқандда қадимий тажриба асосида экологик жиҳатдан мутлақо тоза озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани мавзуси қаламга олинган.

«Илгари Самарқанд ипак экспорти бўйича дунёга машҳур эди, — дея ёзилади нашрда. — Ҳозир эса ушбу минтақадан қимматли биологик тоза маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Австриялик тадбиркорлар, жумладан, Йозеф Бертантоли билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳага ўзбекистонлик 150 та фермер жалб этилган. Айни пайтда Австрия ривожланиш агентлиги билан ҳамкорликда экологик лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, уни ҳаётга татбиқ қилиш ишлари ҳам аллақачон бошлаб юборилган».

Мақолада қайд этилишича, фойдали ва дармондорлик хусусиятларига кўра бошқа бирон бир маҳсулот билан таққослаш қийин бўлган Самарқанд қурилган мевалари «REWE» дўконлари расаларида сотилмоқда. Нашрда «Zotter» номли машҳур қандолат фабрикасининг мазкур маҳсулотлардан са-

марали фойдаланаётгани ҳам қаламга олинган.

«Бундан ташқари, Самарқанднинг қурилган мевалари Америка Қўшма Штатларига ҳам экспорт қилинмоқда», дея ёзилади нашрда. Мақолада Австрия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Н.Берлаковичнинг биологик тоза маҳсулотлар жаҳон бозоридаги етакчи экспорт товарига айланиб бораётгани ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам келтирилган.

«Bio Austria» журналі эса Австрия фермерлар ташкилоти томонидан чоп этиладиган нашр ҳисобланади. Асосан, қишлоқ хўжалиги ва экология масалаларини ёритишга иxtисослаштирилган ушбу журналда агросиёсат дунёси янгиликлари, истеъмол бозоридаги вазият ҳамда соҳадаги янги илмий кашфиётларга кенг ўрин берилди.

Мазкур журналда ҳам Ўзбекистон экологик тоза маҳсулотларини ишлаб чиқариш борисида улкан салоҳиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади. Шу билан бирга, нашрда ушбу соҳани янада ривожлантириш учун қўшма сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш зарурлиги қайд этилиб, австриялик сармоядорлар эътибори Ўзбекистон агросаноат тараққиётига қаратилади. Мақолада келтирилишича, «Самарқандда Австриядаги «Маран» компаниясининг шўъба корхоналари жойлашган. Бу ерда куёш йилга 300 кун нур сочади. Бу эса европаликларнинг ҳам биологик тоза маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжларини тўлақонли қондириши мумкин бўлган соф меваларни қайта ишлашга кўмаклашадиган энг муҳим омилдир», дея ёзилади «Bio Austria» журналіда.

«Жаҳон» АА.
Вена

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралардаги ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган иш-

ЧОРАК ЯҚУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ


лар натижалари ва истикболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йил биринчи чорагида Комплекс бўйича жами 817,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Усиш суръати 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 119,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 439 мил-

лиард сўмлик (120,9 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 72,6 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 277 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиси билан ууддаланди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«ТЕЗИНТОМ»НИНГ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли изчил ислохотлар жараёнида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Буни чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун юртимизда барча имконият яратилган. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси — улардан бири.

Ўз фаолиятини 1997 йилда бошлаган «Тезинтом» қўшма корхонаси замонавий технологиялар асосида турли ўлчам ва рангдаги металл черепицалар, том ёпиш жиҳозлари ва мосламалари, панжаралар, эшик ва дарвозалар, тўсиқлар, девор безаклари каби қурилиш материаллари, шунингдек, мебель жиҳозлари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ҳамда хизмат кўрсатишга иxtисослашган.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати, халқаро талабларга мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотлар буюртмачининг талаб ва хошига кўра исталган ранг ва ҳажмда тайёрланади. Қўшма корхона миқозлари сафида жиҳмоний шахслар билан бирга, мамлакатимизнинг кўплаб йирик ташкилотлари ва компаниялари ҳам бор.

«Тезинтом»да ишлаб чиқариш қамрови йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар турлари кўпайиб бораётди. Сўнгги пайтларда корхонада фибробетон тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги кунда замонавий ва миллий мейморчиликда урфга кирган бу қурилиш ашёси бино ва иншоотларнинг ташқи фасади ва ички интерьерини бадиий безашда кенг қўлланилади.

Маҳсулотларига талаб катта бўлгани туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Мисол учун, 2011 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткични 5 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Корхонада меҳнат қилаётган етмиш ишчи учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш учун махсус амалий таълим курслари ташкил қилинган. Корхонанинг бир қатор ходимлари ишлаб чиқариш жараёнини пухта эгаллаш мақсадида чет мамлакатларда бўлиб, билим ва кўникмаларини такомиллаштириб қайтган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган қулай шароит, кенг имтиёз ва имкониятлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил оширишимизда муҳим омил бўлмоқда, — дейди корхона бош директорининг ўринбосари Алишер Ходиев. — Мамлакатимизда «Тезинтом» каби корхоналарга солиқ ва боғжона имтиёзлари берилгани ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мақсадимиз — яратилган ана шундай қулай имкониятлардан унмлли фойдаланиб, сифати халқаро андозаларга мос маҳсулотлар турини янада кенгайтиришдан иборат.

Мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, амалга оширилаётган кенг қамровли хусусийлаштириш жараёни чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига, иқтисодиётимизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири
Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда банк-молия соҳаси вакилларининг бешинчи халқаро инвестициявий-молиявий форуми бошланди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Банклар ассоциацияси, ЎзЛиДеП, «Media XPRIMM» (Руминия), Украина сугурта ташкилотлари лигаси, Беларусь сугуртачилар ассоциацияси кўмагида «SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлиги томонидан ташкил этилди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон ва Нидерландия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан уюштирилган ушбу тадбир Ўзбекистон-Нидерландия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

● Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан уюштирилган «Биз — бир жамoa, биз — бир оила» номли акция Бухоро вилоятида кўтаринки руҳда ўтказилди.

● Тошкентда юртимиз шифокорлари ҳамда хорижлик кардиолог-мутахассислар иштирокида юрак-қон томир хасталикларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллаш мавзуга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги «Самарқанд» муқобил машина-трактор парки худудида чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда галла парваришидаги дўзарб масалаларга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● Термиз шаҳридаги «Нуриллох-Назарий» масъулияти чекланган жамиятида гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 1,84 долларга ошиб, бир баррели 103,31 долларни ташкил этди.

● Кеча Жанубий Қурил оролларида рўй берган пўртанали кучли бўрон натижасида «Хиёндз Сингапур» контейнер ташувчи кемасига ортилган, мевалар билан лиқ тўла 40 та контейнер сувга гарқ бўлди.

● Кеча Франциядаги атом электр станциясида қуоқ тутун сизиб чиқиши натижасида реакторнинг фаолияти тўхтатилди.

● Кеча Жазоирнинг Малидаги консулхонаси ходимлари номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилди.

● Дунёга машҳур брендлардан бўлган Apple компанияси «iPad» компьютерининг янги авлодини намойиш қилди. Тўрт ядровий А5Х процессор, 2048x1536 ҳажмли «Ретина» дисплей, беш мегапикселли орт-камера, 1080pHD-видео, овоз ёрдамида матн териш қурилмасига эга мазкур планшет ахборот-коммуникация технологиялари ишқибозларида катта қизиқиш уйғотди. Унинг батареяси ҳам 10 соат ишлаш қувватига эга.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот марказида мактаб битирув-

чиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЮРТИМИЗ** спортчиларининг 2011 йилда қўлга кирит-

ган галабалари ҳамда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** бола-ларга иxtисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Обод шахрим — озода шахрим

Юртбошимизнинг «Ободлик кўнгилдан бошланади» деган сўзларида улкан маъно мужассам. Барчамиз ушбу фарахбахш кунларда эзгулик ва яхшиликни кўнгилларимизга жо этиб, юртимиз, шахримиз, уйимиз, маҳалламиз, кўчамиз ва хонадонимизнинг саранжом-саришта, обод-ораста бўлиши учун енг шимариб ишга киришмоғимиз, мамлакатимизда янада фаровон турмуш барпо этишга бор куч ва ғайратимизни бахшида айлашимиз лозим.



МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАНИДА БИР КҮН

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу хайрли ишлар ҳар биримизга катта масъулият ҳам юклайди. Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 26 мартдаги фармойиши билан яна бир ажойиб ташаббусга қўл урилиб, ҳар шанбада «Озода шахрим» шиори остида тозалик кўни ўтказилмоқда. Шу муносабат билан барча муассасалар, корхона ва ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда туманда жойлашган кўчаларни озода ва ораста сақлаш, шахсий турар-жойларнинг ташқи кўринишини тартибга келтириш, дарактларни оқлаш, гуллар ва мевали дарактларни экиш ва уларни парваришlash, янги боғлар яратиш, кўчаларни супуриш, ариқлар ва лотокларни тозалаш, чиқиндиларни вақтида олиб чиқиб кетиш каби ишлар амалга оширилмоқда.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Жумладан, туманда жойлашган Қорасув ва Салор каналлари атрофларида 2000 метрдан ортиқ ирригация қувурлари тозаланди ва 500 куб чиқинди олиб кетилди. Тумандаги 15 та ноқонуний қурилмалар тартибга келтирилди ва бошқа ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Март ойи давомида тумандаги 72,7 гектар ер майдонига жами 33208 туп мевали, 15525 туп игна баргли дарактлар ва 75 минг дона гуллар экилди.

Шунингдек, ўтган бир ой ичида 32 та қуриган дарактлар, тўнкалар олиб ташланди ва 24 гектар майсазор-

лар тозаланди, 460 тонна чиқиндилар чиқарилди. Айтилган пайтда туманимизда 1357 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, улардан 272 таси тартибга келтирилди ва 120 та уйларнинг ертўралари тозаланди. 2 та болалар спорт майдончалари қурилди.

Бошқа туманлар қатори кейинги пайтларда Мирзо Улуғбек туманида ҳам намунали маҳаллалар ташкил этилди. Аслини олганда, ободонлаштириш ва тозаланишнинг кўнгилдагидек ташкил этилиши ҳам, биринчи галда, маҳаллаларга боғлиқ.

Шундан чиққан йўлларимизга асфальт ётқизиш, қабиристонларимизни обод қилиш, кўча ва гузарларимизнинг, ҳовли-жой, маҳалламизнинг тоза ва озодлигини таъминлаш, ариқ-зовурларни тозалашга маҳаллалар фаоллари бошчилигида барчамиз масъулмиз.

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига хисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик.

Ободлик ва озодлик — ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, ободлик ҳар биримизнинг кўнгилмизда бўлсин, ҳамisha эзгу ишларга чорласин.

Шавкат ИРГАШЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ҳоқими

ПОКИЗАЛИК ВА ОЗОДАЛИК — ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Мен 6 йилдан буён Бобур маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келяман. Маҳалламиз аҳолисини шахсий ва 8 та кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи 3127 нафар аҳоли ташкил этади. Шунингдек, маҳалламиз ҳудудида 121 сонли мактаб ва 546-сонли мактабгача таълим муассасаси жойлашган.

Шуни қувонч билан таъкидлашни истардимки, истиқлол шарофати билан юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик туфайли маҳаллаларимиз йилдан йилга кўркам, чиройли ва обод бўлиб бормоқда.

Сир эмаски, маҳалладаги тозалик ва ободликда ҳар бир фуқаронинг ўз ўрни бор. Чунончи, бизнинг маҳалламиз аҳоли ҳам ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда кўчаларни озода ва ораста сақлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, дарактларни оқлаш, мевали дарактларни экиш, ариқларни тозалаш каби ишларни амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Баҳорнинг илк кунларида маҳалламизда янги ниҳоллар ўтказиш ишлари олиб борилди. 2500 дан ортиқ турли кўчат, турфа гуллар ва 500 дан ортиқ мевали ҳамда игнабаргли дарактлар экилди.

Маҳаллада теварак-атроф озодлиги, янада кўркам бўлиши учун ёш кекса бир бўлиб, яқдил ҳаракат қилмоқда. Кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган аҳоли ҳам ҳамжихатликда ён-атрофини тоза сақлашга интиломоқда. Фаолларимиз аҳоли орасида тез-тез ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича ташвиқот ишлари олиб боришади.

3-а уйда яшовчи Алимжановлар ҳамда 144-хонадонда яшовчи Иржановлар оиласи маҳалламизнинг саранжом-саришта бўлиши борасида ўз саъй-ҳаракатлари билан бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, барчамиз хайрли ва савобли мақсадларни кўнгилга туғиб, ўзаро ҳамжихатлик, юртимиз тинч-тотувлиги йўлида хизмат қилсак мустақил дийримиз янада чирой очади.

Изатилла ТИЛБАБАЕВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги Бобур маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Комплекс йиғилишида «Мустақкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада кучайтириш ва макomini ошириш борасида амалга ошириладиган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган тадбирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига доир вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида қишлоқ жойларда ёшларнинг интернет тармоғида ишлаши ва аҳолини компьютер саводхонлигини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда «Ягона ойна» марказлари орқали аҳолига ва ҳўжалик юридувчи субъектларга хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал хизматларни кўрсатиш ҳамда тўловларни қабул қилиш бўйича автоматлаштирилган ахборот ва биллинг тизимларини яратиш тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан жорий йил март ойида қабул қилинган қарорларга асосан ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришда ахборот тизимларини татбиқ этиш билан биргаликда, мавжуд компьютер техникаси ва технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини такомиллаштириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали республикада ахборот-кутубхона хизматларини янги босқичга кўтариш чоралари белгилаб олинди.

Шунингдек, давлат ва нодавлат архивларида фуқароларга бериладиган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, архив ҳужжатларининг сақланишини тартибга келтириш, архив ҳодимлари масъулиятини ошириш, аҳолини биометрик паспортлар билан таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгила-ниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари салмоқли ўрин тутмоқда. Айтилган вақтда локал ва коорпоратив компьютер тармоқларини жорий этиш эса зарур ахборотни тезкор олиш ва узатиш имконини бераётир.

Иқтисодиёт ТАДБИРКОРЛИҚДА ҚЎЛ КЕЛДИ

Олмасор туманидаги кичик корхоналар мисолида бундай илгор усулнинг самарасини кўриш мумкин. «Нурилло — Х.А.Н» масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолият йўналиши нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат. Бошқарувда компьютерлаштириш ва ахборот-технологиялари қўл келмоқда.

— Дастлаб корхонага 2 та компьютер олиб келинган эди, — дейди «Тошкентнон» уюшмаси ходими Хайрулла Султонов. — Эндиликда бу ерда тўртта «аклли» машинадан фойдаланган ҳолда иш юритилмоқда. Электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш, маълумотлар олиш ва тарқатишни тезлаштириш мақсадида яратилган локал тармоқ тумандаги бошқа кичик корхоналарда ҳам жорий этилди. Кўриладиган бу каби техникавий тадбирлар иш самарадорлигини оширишга, молиявий кўрсаткичларни яхшилашга, мижозлар сонини янада оширишга имкон яратмоқда.

Илхомжон ОЧИЛОВ

КУАЛА-ЛУМПУР ИШБИЛАРМОНЛАР АНЖУМАНИДА

Ўзбекистон делегациясининг Малайзияга ташрифи доирасида Куала-Лумпур шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг дипломатия миссияси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «МЕХ-РА» Малайзия экспортчилари уюшмаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир унинг иштирокчиларига Ўзбекистон ва Малайзиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари ҳақида атрофлича фикр алмашиш имкониятини яратди. Мазкур анжуманда ўзаро савдо-иқтисодий ва сарможавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди доирасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги икки томонлама алоқалар ҳамда Ўзбекистон ва Малайзиядаги фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорлари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари малайзиялик ишбилармонларни Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий, сарможавий ва сайёҳлик салоҳияти хусусидаги маълумотлар билан таништиришар экан, мезбонларни қишлоқ ҳўжалигидаги мавжуд ҳолат ва эришилган муваффақиятлар билан атрофлича таништирдилар.

Шунингдек, Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари ҳақидаги маълумотлар ҳам малайзиялик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир чоғида Ўзбекистонда мева ва сабзавот ишлаб чиқарилиши ҳамда уларнинг қайта ишланишини янада ривожлантиришга Малайзия агрокомпанияларининг сарможа ва технологияларини жалб қилиш, шולי етиштириш, балик ҳўжалигини тараққий топтириш бўйича Малайзия тажрибасини ўрганиш ҳам мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

«МЕХРА» Малайзия экспортчилари уюшмасининг ижрочи директори **Ко Си Тянг** икки томонлама савдо-сотикни ривожлантириш борасида ҳам томонлар катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлашар экан, Малайзия ишбилармон доиралари ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўрганишга катта қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Ко Си Тянг таъкидлаганидек, икки томонлама ҳамкорлик йўлларини кидириб топши МЕХРА фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. У ўзи раҳбарлик қиладиган ташкилот ўзаро ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича, жумладан, тажриба ва технологиялар алмасишуви учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини айтди.

Малайзия Уюшган ҳинд савдо-саноат палатаси вице-президенти С.Шантакумар Ўзбекистон тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун етарли салоҳият ва барча зарур имкониятларга эга эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ўртоқлашди. Унинг фикрича, Ўзбекистонда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудининг ишга туширилиши келажакда ўзининг ихобий натижаларини беришига шубҳа йўқ.

«Жаҳон» АА
Куала-Лумпур

Танловлар КАДРИЯТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР

«Қамолот» ЁИХ Ҳамза туман Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари ҳамкорлигида Наврўз айёмига бағишланган «Қадрият, урф-одат, аънана ва ёшлар» фестивали доирасида «Тошкент меҳмондўст шаҳар» номли кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда туманда жойлашган барча бошланғич ва ўрта махсус таълим муассасалари фаол иштирок этди. 500 га яқин ўқувчи-талабалар «Миллий либослар», «Хуш келибсиз, ҳурматли меҳмон» миллий дастурхони, «Наврўз ва ёшлар» деворий газетаси, «Наврўз шиори», «Қадрият, урф-одат, аънана ва ёшлар», «Аждодларга муносиб авлод бўлайлик» мавзуларида бадиий чиқишлар қилишди, иштирокчиларнинг ҳар бир вилоят бўйича тайёрлаган фотоальбомлари йиғилганлар эътиборига ҳавола этилиб, ўзаро солиштириш орқали баҳоланди.

Сумалак сайли, «Арқон тортиш», «Беш тош», «Чиллак» каби миллий халқ ўйинлари, турли вилоятларимизнинг урф-одатлари акс этган чиқишлар, уларнинг ўзига хос дастурхон тузалари, айтишувлар, лапарлар, ёш санъаткорларнинг дилни хушнуд этувчи қўшиқларини ўз ичига олган акция тадбир иштирокчиларига чинакам баҳорий кайфият улашди. Айтиш мумкинки, кўнгилларда мана шундай кўтаринки кайфият пайдо қилувчи Наврўз айёмида ўтказиладиган миллий аънаналарга йўғрилган беллашувлар ёшлар орасида миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб этишга, уларни ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашга катта ёрдам беради.

Ўзига хос байрам шодоналарида уланиб кетган тадбир сўнггида танловларда голиб деб топилган ёшлар эсдалик совғалар ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Шаҳноза ХОЛМУҲАМЕДОВА

